

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳукуқ таълими  
бакалавриат таълим йўналишининг  
малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 -сонли йигилишида маъкулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 -сонли буйруги билан тасдиқланган

## **ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдир.

## МУНДАРИЖА

	бет
<b>T/р</b>	
1. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши</i> .....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i> .....	4
1.2.1. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	4
1.2.3. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2. <i>60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар</i> .....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув вараги.....	

## **1. 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими** таълим йўналиши бўйича таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимдада бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими таълим йўналиши** бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятлари тавсифи**

##### **1.2.1. 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими** бакалавриат таълим йўналиши - умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, профессионал таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар,

педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустакил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хукуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияттининг объектлари:**

-миллий гоя, маънавият асослари ва хукуқ таълими жараёнлари;

-таълим тизимида ўкув-тарбия ва умумий ўрта таълим муассаларида хукукий таълим-тарбия жараёнлари;

-ўқитишининг педагогик технологиялари ва методлари; маънавият асослари ва хукуқ фанларининг назарий асослари; маънавият асослари ва хукук фанларини ўқитиш методикаси;

-умумий ўрта таълимда Тарбия фани таркибига кирган Ватан туйгуси ва маънавият асослари; Давлат ва хукуқ асослари, Конституциявий хукуқ фанлари; ўрта маҳсус, профессионал таълимида Давлат ва хукуқ асослари фанини ўқитиш жараёнлари;

-маънавият тарғибот маркази; миллий мағкура илмий-амалий маркази; маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида; хукуқни муҳофаза қилиш органлари, вояга етмаганлар ва ёшлар гурухининг хукуқбузарликлар бўйича профилактика мутахасис, маънавий-ахлоқий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга доир фаолият жараёнлари.

**1.2.3. 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хукуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

**1.2.4 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хукуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва хукуқ таълими таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битиравчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

#### **Педагогик фаолиятида:**

- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўкув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўкув материалларини моделлаштириш;

- яхлит педагогик жараённинг умумий конун, конуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараённида гносеологик,

ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйгунилигига эришиш;

– таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

– таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш;

– ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

– талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимни ахборотлантириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш;

– таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

– таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш иштирок этиш

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидағи фанлар ва уларни ўқитиши методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидағи фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш

#### **Маънавий-маърифий фаолиятида:**

– маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгидаги миллий гояга доир билимларни шакллантириш;

– ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

– глобаллашув шароитида кечеётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сұхбат ўтказиш;

– миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш

***2. 60112100-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар***

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳдил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий гояга асосланган фаол ҳаётини нутказга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечатган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йигиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустакил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўкув ва кўникумларига эга бўлиши лозим.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни излаш, таҳдил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникумларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустакил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фандастурлари, профиль, укиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий тадқиқот жараёни.

## КЕЛИШУВ ВАРАГИ

### ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкет давлат педагогика университети

Ректор А.Ю.Умаров

2021 йил « \_\_\_\_ »

### КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш талқинотлари ва илгор  
технологияларни татбик этиш маркази

Директор а.б. М.Эсанов

2021 йил « \_\_\_\_ »  
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги

Вазир уринибосари

2021 йил « \_\_\_\_ »



Республика таълим маркази  
директори

Директор, Ш.Саттаров

2021 йил « \_\_\_\_ »

М.Ў.

